№ 826/13 - СОН

# ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

**Тошкент ш.** **2022 йил "28" 01**

**"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси** (кейинги ўринларда – "Компания") номидан 30.12.2021 йилдаги 27-01-14/6019 - сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали директори Фаррух Шорухович Рустамов (кейинги ўринларда – "Оператор") бир томондан ва **ДЕТСКАЯ МУЗЫКАЛЬНАЯ ШКОЛА N26** номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Б.Мирсагатов (кейинги ўринларда – "Абонент") иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - "Томонлар"), телекоммуникация хизматлар кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – "Шартнома") туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367 – 369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш ҳақидаги абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта деб юритилади) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлар асосида Оператор билан телекоммуникация хизматларини кўрсатиш бўйича Шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Операторнинг Оммавий офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилгандан сўнг Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат туридан ва ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонилар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўзаро ҳамкорликда фаолият юритиш умумэътироф этилган маданиятга амал қилиш ҳамда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширишади.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар кўрсатилганидан кейин тўлов тўлаш (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмати тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмати тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 180000 сўм (бир юз саксон минг сўм) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма ______ (______) сўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда ______ (______) миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

Бюджет маблағлари ҳисобидан______.

Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 180000 сўм.

3.4.1. Мазкур Шартнома умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) ҳисобига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг шахсий ҳисобварағида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатишни тўхтатади.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календар ойи) учун исталмаган тўловларни олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календар ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар

тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоби балонси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади. Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно.

**5. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишни имкони бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

**6. Алоҳида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Респбликасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилишади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклдаги жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

**7. Якуний қоидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради. Агар Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугагандан сўнг Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонент татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонентга** нисбатан ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил "31" декабрь га қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартномани имзоланиши Оферта акцептини (Абонентнинг оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавоби) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада, ҳар бир томон учун биттадан расмийлаштирилган.

**8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

**ОПЕРАТОР**

**«Ўзбектелеком» АК "ТШТТ" Филиали**
100015 Тошкент ш., Юнус-Обод тумани,
Кичик Халқа Йули кўчаси, 2а-уй
Х/Р: 2021 0000 5040 7483 8073
СТИР 203 366 731 ОКЭД 61100
МФО 00401 АТ «АЛОКАБАНК» Амалиёт бошкармаси
E-mail: b2b@uztelecom.uz
Телефон: 71263-18-46

Оператор номидан:

________________ Рустамов Ф.Ш.
(имзо)

М.Ў.

Бажарувчи________________________
(Ф.И.Ш., имзо )

**АБОНЕНТ**

26-СОН БОЛАЛАР МУСИКА САНЪАТ МАКТАБИ
Тошкент вилояти, Кибрай тумани, Салар ШФЙ
Ш/В 400622860272487096600056004
СТИР 205 175 288 ОКОНХ 92310
ОКЭД 85310 СООГУ 05664
Молия вазирлиги газначилиги
Х/Р 2340 2000 3001 0000 1010
Марказий банк Тошкент шахар Б.Б. ХККМ
МФО 00014 СТИРи 201 122 919

Х/Р: ________________________

СТИР ________________________

Банк маълумотлари:

________ Банк номи________

СТИР ________________

Телефон: ________________

E-mail:________________

"Темур Адолат Таянч" А/Ф
Адвокат: Абдуллаев А.Р.
TN 000025 21.12.2018

Абонент номидан:

________________ Мирсалатов
(имзо)

М.Ў.

28.01.2022 йил

826113-сонли абонент шартномасига
1-илова

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

*Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)*

| т/р | Рақам | Хизматлар номи | ҚҚС билан нархи (миқдори) | Асос | Миқдор | 15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| | I. Бир марталик тўловлар | | | | | |
| | II. Ҳар ойлик абонент тўловлари | | | | | |
| 2.1 | 712604438 | Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС | 6,900.00 | Прейскурант | 1 | 6,900.00 |
| 2.2 | 712604438 | Абон.плата за польз.факсом.(сверх абон.платы за осн.ТА) на ЭАТС | 950.00 | Прейскурант | 1 | 950.00 |
| | Жами (олдиндан тўлов) | | | | | 7,850.00 |

Жами олдиндан тўлов миқдори 7850 сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

**Шартноманинг умумий миқдори 180000 сўмни ташкил этади. Ундан 7,850.00 сўм миқдорида ойлик абонент тўлови ҳамда 0.00 сўм бир маротабалик уланиши учун рўйхатга олиш тўлови. Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган ҳолларда ортиқча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар ҳисоб-фактурага асосан амалга оширилади.**

**ОПЕРАТОР:**
**"Ўзбектелеком" АК**
**"ТШТТ" филиали**

**Оператор номидан:**

м.ў.

**АБОНЕНТ:**
**ДЕТСКАЯ МУЗЫКАЛЬНАЯ ШКОЛА N26**

**Абонент номидан:**

м.ў.

Приложение №1.

К договору № 826113 от __28.01.2022 года.

## Протокол согласования договорной цены

| № | 2022 год. | Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС. | Абон. плата за польз. Факсом. (сверх абон. платы за осн. ТА) на ЭАТС. | Свех лимит. | Сумма. |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Январь | 6900 | 950 | 7150 | 15000 |
| 2 | Февраль | 6900 | 950 | 7150 | 15000 |
| 3 | Март | 6900 | 950 | 7150 | 15000 |
| 4 | Апрель | 6900 | 950 | 7150 | 15000 |
| 4 | Май | 6900 | 950 | 7150 | 15000 |
| 5 | Июнь | 6900 | 950 | 7150 | 15000 |
| 6 | Июль | 6900 | 950 | 7150 | 15000 |
| 7 | Август | 6900 | 950 | 7150 | 15000 |
| 8 | Сентябрь | 6900 | 950 | 7150 | 15000 |
| 9 | Октябрь | 6900 | 950 | 7150 | 15000 |
| 10 | Ноябрь | 6900 | 950 | 7150 | 15000 |
| 11 | Декабрь | 6900 | 950 | 7150 | 15000 |
| Всего: | | 82800 | 11400 | 85800 | 180000 |

Сумма договора - 180000 ( Сто восемдесять тысяча сум.)

**ОПЕРАТОР:**
**"Узбектелеком" АК**
**"ТШТТ" филиали**

Оператор номидан:

м.ў.

**АБОНЕНТ:**
**ДЕТСКАЯ МУЗЫКАЛЬНАЯ ШКОЛА N26**

Абонент номидан:

(имзо)

м.ў.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

Reestr № **10-000240** № **004060**

**2010 yil "19" iyul**

Mazkur guvohnoma ***"O'ZBEKTELEKOM"***

yuridik shaxsga berildi.

| | | |
|---|---|---|
| Tashkiliy-huquqiy shakli: | *Ochiq aksiyadorlik jamiyati* | THSHT (ОПФ) **1150** |
| | *Aksiyadorlik kompaniyasi* | |
| Mulkchilik shakli: | *Aksiyadorlar* | MSHT (ФС) **144** |
| Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili: | *A.TEMUR SHOX KO'CHASI, 24-UY* | MHBT (СОАТО) **1726266** |
| Yuridik shaxs kodi: | | KTUT (ОКПО) **17820078** |
| Asosiy faoliyat turi: | *Elektr va radio aloqasi* | XXTUT (ОКОНХ) **52300** |
| Soliq to'lovchining identifikasiya raqami: | | STIR (ИНН) **203366731** |

Qo'shimcha ma'lumotlar: *AVVAL, ADLIYA VAZIRLIGIDA 2000 YIL 10 AVGUSTDAGI 1317-SONLI REESTR RAQAMI BILAN RO'YHATGA OLINGAN*

Vakolatli organ boshlig'i: ***S.M.Tairshikov***

GUVOHNOMANI QALBAKILASHTIRISH QONUN TOMONIDAN TA'QIB QILINADI

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
AXBOROT TEXNOLOGIYALARI
VA KOMMUNIKATSIYALARINI
RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI

МИНИСТЕРСТВО ПО РАЗВИТИЮ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ
И КОММУНИКАЦИЙ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

# LITSENZIYA
# ЛИЦЕНЗИЯ

**АА № 0005717**

Litsenziya turi / Вид лицензии: Типовая

Berilgan sana / Дата выдачи: 03 ноября 2015 г.

Litsenziyaning amal qilish muddati: / Срок действия лицензии: с 03.11.2015г. dan / по 03.11.2030г. gacha

Litsenziatning nomi: / Наименование Лицензиата: **Акционерная компания «O'ZBEKTELEKOM»**

Litsenziatning manzili va bank rekvizitlari / Адрес и банковские реквизиты Лицензиата: г.Ташкент, Юнусабадский р-н, проспект Амира Темура, д.97А, р/с 20210000904074838001 в ОПЕРУ АК «Алокабанк» г.Ташкент, МФО 00401, ИНН 203366731

USHBU LITSENZIYA BILAN FAOLIYAT KO‘RSATISHGA RUXSAT ETILADI:
НАСТОЯЩЕЙ ЛИЦЕНЗИЕЙ РАЗРЕШЕНО ОСУЩЕСТВЛЯТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ:

Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг сетей подвижной радиотелефонной (сотовой) связи

ILOVA QILINGAN LITSENZIYA SHARTNOMASIGA MUVOFIQ
В СООТВЕТСТВИИ С ПРИЛАГАЕМЫМ ЛИЦЕНЗИОННЫМ СОГЛАШЕНИЕМ

M.O‘. / М.П. *Rahbarning imzosi: / Подпись руководителя:*

Litsenziyaning amal qilish muddati: / Срок действия лицензии продлен: с ______ dan / по ______ gacha uzaytirildi

M.O‘. / М.П. *Rahbarning imzosi: / Подпись руководителя:*

Litsenziyaning amal qilish muddati: / Срок действия лицензии продлен: с ______ dan / по ______ gacha uzaytirildi

M.O‘. / М.П. *Rahbarning imzosi: / Подпись руководителя:*

(Ilova qilingan litsenziya shartnomasi mazkur litsenziyaning ajralmas qismidir)
(Прилагаемое лицензионное соглашение является неотъемлемой частью настоящей лицензии)

Реестр № 435